

**КИМЁ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛАНТИРИШДА МОДУЛЛИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Жўраев Ҳусниддин Махаммадалиевич**  
*ФарДУ Кимё кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада кимё фани ўқитувчиларининг касбий компетентлигини яъни шахс касбий сифатларини шакллантиришида модулли ўқитишинг аҳамияти, Касбий таълим тизими реал мақсади, Модулли ўқитиши технологиясининг мақсади, кимё ўқитувчилари мустақиллигини шакллантиришига ёрдам берувчи омилла ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** педагогик таълим, модул, компетентлик, касбий таълим.

**Аннотация:** В данной статье освещается значение модульного обучения в формировании профессиональной компетентности учителей химии, а также профессиональных качеств личности, реальное назначение системы профессионального обучения, цель технологии модульного обучения, фактор, способствующий формированию самостоятельности учителей химии.

**Ключевые слова:** педагогическое образование, модуль, компетентность, профессиональное образование.

**Annotation:** this article covers the professional competence of teachers of chemistry, namely the importance of modular teaching in the formation of personality professional qualities, the real purpose of the Professional Training System, the purpose of modular teaching technology, the factor that helps to form the independence of chemistry teachers.

**Keywords:** pedagogical training, module, competence, professional education.

Кимё ўқитувчиларини тайёрлаш, мутахассиснинг муҳим касбий сифатлари даражалари бозорнинг замонавий талабларига асосланади. Касбий педагогиканинг тушунчавий аппаратида мутахассиснинг муҳим касбий сифатида унинг касбий компетентлиги тан олинади. Копетентлик ёндашуви мутахассисларни танлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва стажировкаси кадрлар менежментида (бошқарувида) муҳим асос ҳисобланади.

Касбий таълим тизими реал мақсади компетентли мутахассисни шаллантириш ҳисобланиб, у шахс касбий сифатларини ривожлантиришини назарда тутади. Касбий таълимнинг шу тариқа шакллантирилган мақсади, кўпчилик шу соҳа олимларининг фикрича, XXI аср глобал таълимининг мақсадига мос келади (яшашни билиш, ишлашни билиш, бирга яшашни билиш, ўқиши билиш), шунингдек, ўқитувчи амалий фаолияти реал талаб ва шартларига мос тушади.

ЮНЕСКО бўйича XXI аср таълими таълим олувчиларнинг компетентлигини тўрт таянч асосларда шакллантириши лозим: англашга ўрганиш, бажаришни ўрганиш, яшашни ўрганиш ва бўлишликни ўрганиш.

Талабанинг компетентлик ёндашув асосида фундаментал касбий фаолиятни ўзлаштириб олиш даражасини баҳолаш – демак, унинг касбий масалаларни амалда

йечиш, ҳал қилиш қобилиятини баҳолаш ҳисобланади. Бунда педагогика фани ва амалиёти олдида педагогнинг касбий компетентлиги моҳиятини реал англаш муаммосини келтириб чиқаради.

Замонавий меҳнат бозори барча жабҳалар бўйича кўп сонли мутахассисларни таклиф қилмоқда, аммо юқори даражадаги рақобат шароитларида касбий тайёргарликка юқори талаблар ҳам қўйилмоқда.

Бугунги кунда рақобатбардош мутахассис нафақат базали билим ва кўникмаларга, балки касбий компетентликка ҳам эга бўлиши талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йигъилишидаги 2016 йилдаги мамлакатимиз ижтимоийиқтисодий ривожланиши якунлари ҳамда 2017 йилдаги иқтисодий дастурнинг мухим устувор ёналишлари тўғърисидаги маъruzасида мутахассислар тайёрлаш квотасига эътибор қаратиш лозимлиги, бу ўз навбатида тайёрлов сифатига ҳамда уларнинг иш жойи билан тъминланишига ёрдам беришини таъкидлаган эди.

Битирувчига қўйилаётган замонавий талаблар меҳнат бозоридаги ҳолат, шунингдек, жамиятнинг тез суръатлар билан ривожланиши, мухитнинг ахборатлашуви кабилардан таркиб топиб боради. Ўзгарувчан оламнинг таълим тизимида битирувчида шундай инициативлик, янгиликка интилувчанлик, мобиллик, тезкорлик, эгилувчанлик, ривожланувчанлик ва конструктивлик каби касбий сифатлар шакллантириб борилиши керак.

Сўнги йилларда таълимда турли технологиялар кенг қўлланилмоқда, улар таълим жараёни индивидуаллаштириш имконини беради, англаш фаолиятини фаоллаштиради, талабаларга ўқув материалини йенгил ўзлаштиришга ёрдам беради, уларни ўқув материали устида кунаро ишлашга қизиқтиради, ижодий ривожланишга шароит яратади ҳамда шахсга ўз-ўзини намоён қилиш имконини беради.

Замонавий технологияларнинг шундай турига модулли ўқитиш технологияси киради.

- таълим дастурлари мазмунини турли кетма-кетлиқда, турли тезлик ва ҳажмда, алоҳида ўқув модулларидан индивидуал қизиқиши ва имкониятларидан келиб чиқиб, таълим жараёни субъектларининг ўзлаштириши учун танлов шароитини яратишдан иборат.

Ҳозирги пайтда компетент ёндашув асосида Ўзбекистон Республикаси олий педагогика мактаби таълим жараёни учун Олий касбий таълим Давлат стандартлари ишлаб чиқилган ва жорий қилинган, унда кутиладиган таълим натижалари сифатида универсал ва касбий компетенсиялар белгилаб қўйилган. Давлат таълим стандарти асосини модулли-компетент ёндашув ташкил қиласида ва у иш берувчи талабларига мосланган ҳамда ўқув технологиялари, ўқув дастурлари, ўқув режалари учун асос вазифасини ҳам ўтайди. Педагогик таълим бакалаврининг умуммаданий ҳамда касбий компетенлигини педагог сифатида шакллантириш учун унинг педагогик билим ва кўникмаларини, таълим жараёни муаммоларини англаб йетишини тъминлаш лозим.

Модул - бу таълим дастурининг тугалланган бирлиги ҳисобланади, у битта ёки бир неча касбий компетенсиялардан шаклланади, шунингдек у таълим олувчиларнинг битирудаги билим ва қўникмалари назорати ҳисобланади. Модулли ёндашув доирасидаги ўқитиш компетенсияларга асосланган бўлсада, у анъанавийдан тубдан фарқ қиласди.

Молули ўқитиш ўзида таълимнинг назарий ҳамда амалий қисмларини мужассамлайди ва уларни яхлитлади. Бунда умумий ҳамда касбий компетенсияларнинг ўзлаштириш жараёнида назарий билимларнинг ўрни ва жойи Педагогик таълим кластери: муаммо ва ечимлар бошқача мазмун касб этади, шу тариқа таълим олувчиларнинг ўзлаштириш мотивлари кучаяди. Модул асосда ўқиган бўлажак ўқитувчиларда қўйидаги компетентликлар шакллантирилади:

-янги авлоднинг умумтаълим давлат таълим стандартларини жорий қилишга тайёрлиги;

-кимё бўйича базали ўқув дастурлари ва электрон курсларини турли таълим муассасаларида жорий қилишга тайёрлиги;

-таълим муассасаларида замонавий методика ва технологияларни, шу жумладан, ахборот технологияларини конкрет ўқув муассасасининг ўқув-тарбия жараёни сифатини кўтариш учун жорий қилишга тайёрлиги.

Демак, бўлажак кимё ўқитувчиларни модулли технологиялар асосида касбий тайёрлаш деб, бўлажак кимё ўқитувчилари мустақиллигини шакллантиришга ёрдам берувчи омиллар бирлиги тушунилади, бу бўлажак кимё ўқитувчиларининг моҳиятли касбий хусусияти ҳисобланади ва у касбий фаолият муваффақиятини таъминлайди. Олий касбий таълимда модулли-компетентлилик тизими ўқув жараёнини ташкиллаштиришнинг таълимий концепсияси саналади, унда таълимнинг мақсади сифатида талабанинг қатор компетенсиялари олдинга чиқади, уларга эришиш воситаси бўлиб таълимнинг мазмун ва тузилишини ифодаловчи модул ҳисобланади.

Бугунги кунда ўқувчининг шахсий ютуқлари унинг таълим жараёнидаги компетентлилик даражасига бояғлиқ бўлиб қолмоқда. Демак, компетентликка асосланган модулли ўқитиш пировард натижага ёъналтирилган. Бу шундай ўқитиш бўлиб, у ўқувчилар томонидан билим ва қўникмаларни комплекс ўзлаштиришини, ўз фаолиятини ўз тажрибаси асосида меҳнат бозори талабларига мос қуришини таъминлайди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. “Таълим тўғрисида”ги қонун // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент Шарқ, 1998 й.

3. Джураев Р. Таълимда инъерфаол технологиялар. – Тошкент, 2010 й